



ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ ОРҚАЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Донабоев Жохонгир Хусан ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил изланувчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a47

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкини пасайтириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: рақобат, молия бозор, ресурс солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмуричилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

ВОПРОСЫ УЛУЧШЕНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ ПОСРЕДСТВОМ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Донабоев Джохонгир Хусан угли -
Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета*

Аннотация. В целях создания эффективной конкурентной среды путем постепенного снижения монополизма на товарных и финансовых рынках в Республике Узбекистан, сокращения участия государства в экономике нашей страны, отказа от чрезмерного регулирования цен и снижения влияния государства на экономику, особое внимание уделяется коренному совершенствованию предоставления услуг на основе взаимного сотрудничества по выполнению налоговых обязательств для дальнейшего снижения негативного влияния монополии хозяйствующих субъектов на конкурентоспособность экономики, предоставления привилегий и преференций, повышающих эффективность системы, а также снижения регуляторной нагрузки на хозяйствующие субъекты и реализации налогового администрирование налогоплательщиков.

Ключевые слова: конкуренция, финансовый рынок, ресурсный налог, налог на землю, налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средняя ставка, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы.

ISSUES OF IMPROVING THE COMPETITIVE ENVIRONMENT THROUGH TAX ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN

*Donaboev Johongir Khusan ugli -
Independent student
of Tashkent State University of Economics*

Abstract. In order to create an effective competitive environment by gradually reducing monopoly in the commodity and financial markets in the Republic of Uzbekistan, reducing the participation of the state in the economy of our country, abandoning excessive price regulation and reducing the influence of the state on the economy, to further reduce the negative impact of the monopoly of business entities on competitiveness of the economy, granting privileges and preferences that increase the efficiency of the system, as well as reducing the regulatory burden on business entities and implementation of tax administration of taxpayers and special attention is paid to the fundamental improvement of the provision of services on the basis of mutual cooperation to fulfill tax obligations.

Key words: competition, financial market, resource tax, land tax, tax, budget policy, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate, tax report, tax revenues, tax incentives.

Кириш. Мамлакатимизда, айрим субъектларгагина турли кўринишдаги индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, преференциялар бериш ва имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти рақобат муҳитини яхшилаш

ва бизнес юриштининг тенг имкониятларини яратиш борасидаги ислохотларимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, иқтисодиёт тармоқлари ва унинг алоҳида соҳаларини

бошқариш тизимларини яратишга кўплаб илмий тадқиқотлар бағишланган. Аммо мамлакатда монополияга қарши курашиш соҳасини самарали бошқариш, чинакам бозор иқтисодиётига асосланган бизнес муҳитини яратиш ва ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида соғлом рақобатни ривожланишига таъсир қилувчи солиқ маъмурчилиги томонидан амалга оширилаётган ишлар тизими ўзаро боғлиқ ҳолда, амалиёт талабларига жавоб берадиган даражада тўлиқ ўрганилмаган. Шунга кўра, иқтисодиётда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, рақобатни яхшилашда солиққа тортишнинг янги мезон ва механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолаш масалалари муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Л. Эрхарднинг фикрича, бозор иқтисодиёти истеъмол, касб ва иш жойини танлаш, ишлаб чиқариш воситалари билан биргаликда хусусий мулкка эгалик қилиш, шартномалар тузиш эркинлиги зарурий шарт бўлган тақдирдагина фаолият юритиши мумкин. Л. Эрхард давлатнинг ҳўжалик ҳаётида фаол иштироки билан мувофиқликдаги эркин хусусий ташаббус ва рақобатни мамлакатни иқтисодий тиклаш қуроли сифатида таърифлаган [2].

Хусусан, буюк классик иқтисодчи Адам Смит фикрича, рақобатни бозор субъектлари ўртасида товарлар харид қилиш ва сотиш борасида қулайроқ шароитлар учун олиб бориладиган, тўғри, ҳалол, тил бириктиришларсиз кураш, мусобақа билан боғлаган. У рақобат курашининг асосий усули деб нарх ўзгаришларини билган. Бунда у жамоа иродаси билан бошқарилмайдиган, умумий мўлжалларга эга бўлмаган бозорда қатъий хулқ-атвор қоидаларига амал қилишини қайд этган. Демак, рақобат–бозор қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштирувчи айнан ўша «кўринмас қўл»дир [3].

Й.Шумпетер иқтисодий ривожланиш назарияси доирасида рақобатни эскиликнинг янгилик билан рақиблик кураши сифатида таърифлаган. Янгиликлар киритиш бозор томонидан шубҳа билан қабул қилинади, бироқ агар новатор уларни амалга оширишнинг уддасидан чиқса, рақобат механизми эскирган технологиялардан фойдаланувчи корхоналарни бозордан сиқиб чиқаради деган фикрни такидлаган [11].

Й.В.Токарев ва М.П.Маниналарнинг фикрига кўра, экспорт салоҳияти корхонанинг экспорт учун рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқариш, уни ташқи бозорларга тарғиб қилиш, у ерда товарларни сотиш ва керакли даражада хизмат кўрсатиш қобилияти сифатида белгиланиши мумкин [4].

Америкалик иқтисодчи Ж.Наицбит корхонанинг экспорт салоҳиятини иқтисодий салоҳиятнинг динамик ўзгарувчан компоненти сифатида белгилайди, унинг ташкилий-техник тузилиши, корхона миссияси ҳамда мақсадларига мувофиқ, экологик омиллар ва ички шароитларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, узоқ ва яқин хориж бозорларида рентабеллик даражаси билан барқарор савдо ҳажмларини таъминлайди [5].

А.А.Пугачев, Л.Б.Парфеноваларнинг фикрича, “Солиқ сиёсати соҳасида рақамли иқтисодиётни тартибга солиш иккита асосий йўналишни ажратиш зарур:

1) рақамли иқтисодиёт операцияларини солиққа тортиш вабож-таърифларини тартибга солиш;

2) солиқ ва божхона маъмуриятчилиги ва назоратига рақамли технологияларни киритиш” [7].

В.П.Вишневскийнинг эътирофи этишича солиққа тортишни рақамлаштириш шароитида ишлаб чиқариш жараёни ва иқтисодий муносабатлар тизимини роботлаштиришга асосланган автоматлаштириш билан боғлиқ янги солиқ институтлари шаклланади. Солиққа тортиш тизими объектив равишда трансформацияланади [6].

А.И.Погорлецкий ва М.В.Кешнерларни ёзишича: “Солиқ маъмуриятчилигига рақамлаштириш ва ахборот технологияларни киритиш солиқ органларида иш юкмасини камайтириш, шунингдек солиқ турлари, суғурта бадаллари бўйича қарзларни камайтиришга олиб келиши шарт” [8].

Л.И.Гончаренконинг фикрича, “солиқларни оптималлаштириш” ҳозирги вақтда жуда мураккаблашиб бормоқда. Солиқ назорати солиқ харажатларини оптималлаштиришга қизиқишда бўлишлари керак, шунда бизнесменлар “солиқдан қочиш” тушунчасини унитадилар [9].

А.А.Спиридонов ва бошқалар кўйидаги таърифни беришган: “Солиқлароптималлаштириш – бу солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини камайтиришга қаратилган мақсадли қонуний ҳаракати бўлиб, солиқ имтиёзлари, солиқдан озод қилиш ва бошқа қонунчиликда белгиланган усул ва қоидалардан фойдаланишни ўз ичига олади” [10].

Тадқиқот методологияси. Республика-мизда солиқ маъмурчилиги орқали рақобат муҳитини такомиллаштириш уларни солиққа тортиш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари тадқиқотнинг умумий ва индивидуал усулларидан фойдаланишни зарурат қилиб қўяди. Мазкур мақола доирасидаги тадқиқотларда бугунги кунда кўпроқ қўлланиладиган дилектик, абстракция, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, синтез ва таҳлил, мантиқий фикрлаш ҳамда

математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар қаторида юксалтириш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнини янада кенгайтиришда муҳим дастаклардан бири ҳисобланган солиқ механизмини мақбуллаштириш аҳамиятли масалалардан биридир.

Хорижий мамлакатларда амалга оширилган солиқ соҳасидаги ислохотлар амалиёти шундан далолат берадики, солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора тадбирларнинг амалга оширилиши дастлабки босқичида бюджет даромадларининг камайтиришига олиб келган. Кейинчалик, ушбу чора-тадбирлар натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда корхоналар ва аҳоли томонидан даромадларини яшириш ҳолатидан чиқарилиб, қонунийлаштирилиши ҳисобига давлат бюджети тушумларининг тикланиши юз берган. Демак, мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши ҳамда солиқ юкининг пасайтирилиши солиқ тўловчиларнинг айланма маблағлари кўпайишига олиб келади ва бунинг натижасида мамлакатда иқтисодиётни самарали таъминлаш имкони яратилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқлар давлатни молиявий ресурслар билан таъминлаш манбаи сифатида шаклланган. Бугунги кунга келиб давлат иқтисодиёти солиқ тизими билан узвий алоқада бўлиб, иқтисодиётдаги ўзгаришлар солиқ тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлади ва аксинча. Яна шу нарса маълумки ер юзидаги барча давлатлар ўз функция ва вазифаларининг узлуксиз ва тўлиқ равишда амалга ошириш орқали тараққиётини таъминлаш учун зарур маблағларни шаклантиришда солиқларга мурожаат қилади. Шунингдек, бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш дастакларидан бири сифатида солиқлардан фойдаланади.

Солиқ маъмуриятчилиги солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ органлари вакили бўлган давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида муайян муносабатларни ўрнатиш учун солиқ жараёнини давлат томонидан бошқариш тизими сифатида белгиланиши мумкин.

Ушбу таърифдан қуйидагилар келиб чиқади: солиқ маъмуриятининг предмети солиқ ишлаб чиқариш; объекти солиқ ишлаб чиқаришни бошқариш жараёни, субъекти солиқ маъмуриятлари. Юқоридаги таърифлар билан боғлиқ ҳолда


солиқ маъмуриятчилигининг вазифалари ҳам шакллантирилади.

Солиқ маъмуриятининг асосий вазифаси мамлакат солиқ тизимида солиқларнинг фискал ва тақсимловчи функцияларининг мақбул мувозанатига эришиш учун солиқ ва йиғимлар соҳасидаги иқтисодий жараёнлар ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир, агар уни амалга ошириш учун минимал харажатлар бўлса.

Солиқ маъмуричилиги солиқларнинг тўла-нишини назорат қилиш учун давлатнинг маъмурий органларини ўз ичига олади. Бошқа томондан, солиқ органлари солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда солиқ тўловчилар ва солиқ агентларининг хатти-ҳаракатларини, ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда назорат қилади. Шундай қилиб, солиқ маъмуриятининг мазмуни шундаки, у солиқ тизимининг барча элементларидан фойдаланади, унинг ривожланишида ички омил бўлади. Бугунги кунда, солиқ маъмуричилигида солиққа тортишнинг замонавий тажрибасида турли мамлакатлар солиқ тизимининг умумийлик ва алоҳида ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Айланмадан олинган солиқ, солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслар даромадларига солиқ каби солиқлар кўплаб давлатларда бир бирига яқин бўлса, ҳар бир мамлакат ўзининг хусусиятлари, иқтисодий ривожланиш даражаси ва мақсадларига кўра ўзига хос солиқ тизими эга. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими кўп йиллар давомида қўлланилиб, солиқ тизимида муҳим ўрин эгаллаган бўлса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши соддалаштирилган солиқ тизими янгича ёндашув даврини бошлаб берди.

Маълумки, амалдаги солиқ юки макроиқтисодий даражада давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати орқали аниқланади. Бу усул жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг қўлланилиб, амалдаги солиқ юки даражасини баҳолаш учун асос сифатида хизмат қилади. Мазкур кўрсаткич бугунги кунда 2021 йил 1 январ ҳолатига 21 фоизни ташкил этмоқда.

2018 йилда макроиқтисодий даражадаги солиқ юки мамлакатимизда 19,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 21,9 фоизни ёки 2020 йилда 22,5 фоизни ташкил этди. Кўриб турганимиздек, солиқ юки даражаси, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга ошганини кўришимиз мумкин. Буни, ўз навбатида, асосий солиқ ставкаларининг камайтирилиши натижасида солиқ тўловчилар сонининг ошганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.



1-диаграмма: Солиқ юкининг динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда
(Бу ерда давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳисобга олинмаган)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 6796 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 113477 тани ташкил этган ёки таҳлил қилинаётган даврда 106681 тага кўпайганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 12887 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 155023 тани ташкил этган ёки таҳлил қилинаётган даврда 142136 тага кўпайган.

1-жадвал маълумотларидан маълумки 2019 йил якунларига кўра, 2018 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич ошган. Хусусан, бевосита со-

лиқлар тушумида кескин ўзгариш рўй бериб, 2,3 фоизли пунктга ўсган. Унинг сабаби сифатида 2019 йилда 2018 йилга нисбатан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, жумладан, даромад солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони 780831 нафарга ортган, мулк солиғи тўловчилар сони 984451 тага, ер солиғи тўловчилар 955266 нафарга ортган. Мол-мулк ва ер солиғи тўловчилар сонининг ортишини 2019 йилдан соддалаштирилган тартибда ягона (айланма) солиқ тўлови тўловчилар учун умумий асосларда мол-мулк ва ер солиқлари жорий этилганлиги билан изоҳлаш мумкин”.

1-жадвал

Алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши

| Солиқ турлари | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | Ўсиш суръати (2020 йил 2016 йилга нисбатан) |
|--|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|---|
| Қўшилган қиймат солиғи | 4 958 | 5 617 | 6 796 | 82 405 | 113 477 | + 108 519 |
| Фойда солиғи | 5 752 | 6 518 | 7 609 | 53 051 | 113 868 | + 108 116 |
| Айланмадан олинадиган солиқ (ЯСТ) | 156 850 | 161 310 | 164 465 | 177 701 | 321 638 | + 164 788 |
| Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 8 213 | 8 987 | 9 261 | 58 334 | 58 856 | + 50 643 |
| Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи | 10 300 | 11 689 | 12 887 | 70 046 | 155 023 | + 144 723 |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2 936 | 3 187 | 3 443 | 56 024 | 136 366 | + 133 430 |
| Жами: | 189 009 | 197 308 | 204 461 | 497 561 | 899 228 | 7109 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Мамлакатимизда рақобат муҳитини ривожлантиришда солиқ маъмурчилигининг асосий механизмлари сифатида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этилиши, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилишига эришиш давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг устувор вазибаларидандир.

Шу мақсадда, Давлат солиқ хизмати органларининг янги “Электрон солиқ хизматлари” портали ишга туширилди. “Электрон давлат хиз-

матлар» портали «Солиқ» ахборот тизимлари комплексини солиқ солиш соҳасида интерактив хизматларни кўрсатиш учун интеграция қилиш лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Бу лойиҳанинг асосий мақсади – давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва натижада солиқ тўловчиларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишдан иборат.

Қисқа давр ичида Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази асо-

сида алоҳида инфратузилма, маълумотлар база-си ва уларни бошқаришда қўлланиладиган дастурий махсулотлар яратилди. Электрон хизматларни бошқариш, уларнинг сифат кўрсаткичларини мониторинг қилиш, фойдаланиш статистикасини шакллантириш ҳамда вертикал назорат олиш бориш учун махсус ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Порталнинг бош саҳифаси очилганда солиқ органларининг ходими кириб келади ва фойдаланувчиларга янги порталнинг имкониятлари тўғрисида қисқача тушунтиришлар беради.

Порталнинг яна бир қулайлиги - бу керакли хизматларни тез ва осон қидириш мумкинлиги. Бунда «Электрон ҳукумат тўғрисидаги» Қонун талабларидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларининг барча электрон давлат хизматлари - интерактив ва ахборот давлат хизматларига сараланган. Бундан ташқари уларни қидиришни янада соддалаштириш мақсадида, мурожаатларни ва ҳисоботларни юбориш, рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш ва маълумотномалар олиш каби хизмат йўналишларига ажратилган.

Хулоса ва таклифлар. Умуман, Ўзбекистонда солиқ тизимини эркинлаштиришни изчиллик билан амалга ошириш пировардида бюджет тизими бюджетларининг тегишли молиявий маблағ билан таъминлашда илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, уларнинг ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини тўғри

баҳолаган ҳолда “ўзбек модели” тамойилларига мос ҳолда истиқболда солиқ тизими тараққиётининг устувор йўналиши бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда алоҳида эътибор қаратиш керакки, ривожланган давлатларда иқтисодий асосан ишлаб чиқаришга таянади, яъни иқтисодий бир мунча саноатлашган, республикамизда бу борада ислоҳотларни амалга оширишда ана шу жиҳатни эътибордан қочирмаслик керак, шунингдек, ривожланган давлатларда “виждонли” солиқ тўловчилар деган ибора оммалашган. Шу ҳисобдан олиб қараганда республикамизда қонунчиликда, солиқ тўловчилар ўртасида мазкур тушунчани оммалаштириш борасида ишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, мазкур ҳолатда миллий иқтисодий тараққиёт даражасини, аҳолининг меҳнат маданиятини, иш ҳақи тўлови даражаси ва шарт-шароитлари каби омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқлар солиқ тўловчиларнинг ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда тўланишини асослайдиган бўлсак, бу борада етук иқтисодчи олим А.Смит солиқларнинг аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди. Демак, солиқ тўловчилар эркин яшаши, фаолият юритиши шунингдек, тўлаётган солиқлари келажакда ўзига қайтиши бу албатта ўз манфаатини кўзлашдир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: Гафур Ғулом нашриёт уйи 2020. - 640 б.
2. ГФРда 1947-1949 йилларда иқтисодий тизим шаклида уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда биринчи иқтисодий вазир, кейинроқ Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери – Людвиг Эрхарднинг тарихий хизматлари жуда улкан.
3. Смит А., «Исследования о природе и причинах богатства народов» т.2. Пер. с англ. – М., 1992. – 612 с
4. Токарев Й.В., Манина М.П. (2015) Проблемы оценки экспортного потенциала предприятия // Научный клуб.
5. Nesbit J. (2013) *International economic relations*. – М.: Dorchester, 419 p.
6. Вишневецкий В.П. (2019) Экономические и регуляторные последствия цифровой революции в налогообложении. *Вестник Томского государственного университета экономика. Tomsk State University Journal of Economics* Научный журнал № 47. 9 стр.
7. Пугачев А.А., Парфенова Л.Б. *Налоги в цифровой экономике и цифровые технологии в налогообложении: дилемма или диалектика. журнал: Философия хозяйства* №: 4 (124) Стр. 197-206
8. Погорлецкий, А.И., & Кешнер, М.В. *Цифровизация и налогообложение: опыт стран Европейского союза. Финансы*, (11), 58-64.
9. Гончаренко Л.И. (2021) Главная задача ФНС – сделать налогоплательщика законопослушным.
10. Спиридонов А.А., Спиридонов П.А., Никольская Ю.П. (2010) *Налоги и налогообложение: Учебное пособие* Москва: МГУП.
11. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
12. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. *Экономика и образование*, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
13. Исаев Ф. *Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлиладан фойдаланишни такомиллаштириш // Экономика и образование. – 2021. – № 4. – С. 172-176.*
14. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. *Налоговый анализ как новое направление экономического анализа // актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.*
15. Isaev F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
16. Исаев Ф.И. *Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси.* // *Иқтисодий ва инновацион технологиялар*” илмий-электрон журнали. – 2021.
17. Isaev F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
18. Исаев Ф. (2022). Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
19. Курбанов З., Исаев Ф. *Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари // Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – № 4. – С. 190-196.*
20. Исаев, Ф. (2022) Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>